
Бугун, 12 май - Халқаро ҳамширалар куни

Ҳар йили 12 май – Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунёда муносиб нишонланиб, ҳамшираларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади.

Коронавирус пандемияси туфайли кўраи замин бугун бир вужуд, халқлар ва элатлар эса гўё бир оиладек бирлашиб ҳаракат қилаётган бир вақтда шифокор-у, ҳамшираларнинг фидоий хизматлари ҳар қандай эҳтиром ва ҳурматга лойиқ.

Ўзбекистон туманида 2000 дан ортиқ ана шундай ўрта бўғин мутахассислар эл соғлиғини асраш йўлида шифокорлар билан бир сафда иш олиб борапти.

Сана муносабати билан Ўзбекистон тумани ҳокимлиги туманимиздаги барча ҳамшираларни ушбу касб байрами билан муборакбод этади.

Халқ олдидаги бурчини теран англаб, астойдил меҳнат қилаётган сиз, ҳамшираларни Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қутлаган ҳолда, оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва шарафли ишингизда улкан муваффақият тилаймиз!

????????? ?????? ?????????

2021-05-12 23:17:19